## Дунё бизнинг нигоҳимизда

**Газетамизнинг фаолларидан, маҳалла оқсоқоли, қўқонлик Нуриллохон ҳожи Абдуллахон ўғли Америка сафаридан бир олам таассуротлар билан қайтдилар. Қуйида биз шу таассуротлардан бир қисмини муштарийлар эътиборига ҳавола этяпмиз.**



Нуриллохон ҳожи АБДУЛЛАХОН ЎҒЛИ.

# АЛ-БЕРУНИЙ ҚИТЪАСИДА

**Бисмиллаҳир роҳманир роҳим**

Американи ким кашф этган? Асримизнинг олтмишинчи йилларигача ўртача маълумотли киши: «Албатта Христофор Колумб кашф этган-да» деб жавоб қайтариши табиий эди. Лекин, кейинчалик, фикрлаш қувватимиз ошиб, илм-фан янгиликлари билан танишиб боришимиз давомида жуғрофия кашфиётлари борасида мактабда олган билимимиз жуда юзаки эканлигини сеза бошладик: Илмий-оммабоп асарлар мутолаасидан маълум бўлишича, ғарбий қитъа Колумбдан бир неча аср илгариёқ Маъмура (ер юзининг обод, аҳоли яшайдиган қисми) аҳолисига маълум экан. Норвег жуғрофиони ва адиби Тур Хейердалнинг фикрича, Полинезия оролларининг сайёҳлари Колумбдан бир неча аср илгари бу заминга сузиб борган эканлар. Оврупода чоп этилган кашфиётлар йилномасида бу қитъанинг кашф этилиши ҳақида турли-туман маълумотлар кўплаб келтирилади. Бироқ бу йилномаларда ғарбий қитъани илмий таҳлил асосида кашф этган асосий кашфиётчиси — ватандошимиз, буюк олим ва мутафаккир Абу Райҳон ал Беруний ҳақида бирор сатр учрамайди. Буюк салафимиз Колумбдан беш аср аввал ғарбда қуруқлик мавжуд эканлигини башорат этган эдилар. «Китоби таҳдиди ниҳоёт ал амокин ли тасҳиҳ масофат ал масокин» (геодезия) асарларида бу ҳақда шундай ёзадилар: **«Ернинг чораги маъмурадир, Маъмурани ғарб ва шарқ томондан Баҳри Муҳит (Атлантика ва Тинч океанлари) ўраб турибди. Ушбу Баҳри Муҳит ернинг обод қисмини денгизларнинг наринги томонидан бўлиши мумкин бўлган қуруқликдан ажратиб туради... У томонда ҳаво ноқулай, йўллар нотинч, хавф-хатар кўп, борган кишилар қайтиб келмайди, шунинг учун у қуруқлик томон борилмайди...».** Демак, Американи ал-Беруний кашф этган дейишга маънавий ҳаққимиз бор. Шу туфайли мақоламизни «Ал Беруний қитъасида» деб номладик.

Машъум ўттизинчи йиллар... миллатим, имоним, Ватаним деган борки, қатли омга дучор бўлган вақтлар. Ўша йиллари Қўқон ҳувиллаб қолаёзди. Кимдир шаҳар қамоқхонасида, кимдир Сибирда: кимнидир Ватан замини ўз қучоғига олган, кимлардир хорижга кетиб, жони ва имонини сақлашга ҳаракат қилган. Сарсонлик —саргардонликда ҳаёт илмини таҳсил қилиб улгурган Абдулла Америкада илм-фандан баҳраманд бўлди. Илмни амалиёт билан мувофиқлаштириб, йирик кордонлардан бирига айландилар. Ҳозирги пайтда Абдулла Маъмур америкалик ўзбекларнинг энг нуфузли ўнлиги қаторидан жой олишга муваффақ бўлганлар.

— Ёшлигимда чиқиб кетган бўлсамда, Ватан меҳри қалбимни эгаллаб улгурган экан, — деб ҳикоя қилдилар Абдулла Маъмур Қўқонга ташриф буюрганларида,— Ватан соғинчи мени бу ерларга етаклаб келди. Ватан тупроғини кўзимга суртдим-у армоним ушалди. Киндик қоним тўкилган ҳовли-жойимни эслай олмайман. Исфара гузар тарафда эканлигини отам раҳматлидан эшитган эдим...

Меҳмонга тасалли бериб, бир қанча хорижлик ватандошларимизга бу борада ёрдам бериш эвини қилганлигимизни, худо ҳоҳласа туғилган гўшаларини топажагини айтдик. Бир-икки кун давомида маҳалламиз ҳудудида у кишининг ҳовлиларини топишга муваффақ бўлдик. Меҳмон ниҳоятда шодмон бўлиб, кетар чоғида бизни Америкага таклиф қилдилар.

Абу Райҳон ал Беруний бобомиз бу қитъани фикран, илмий таҳлил йўли билан кашф этган эканлар, ўзлари ҳам бир бор шу ўлкаларни бориб кўришни орзу қилмаганлар, деб ким айта олади? Мана, Аллоҳ насиб этган экан, буюк бобомиз эриша олмаган орзуга эришиб, ал Беруний қитъасига шитоб учиб бормоқдаман. Учиб боряпман-у, лекин ҳали ҳам ўзимга ўзим ишонмайман. Кеннеди аэропортида учар кемадан тушаётиб, кўп миқдор кишилар ичида Абдулла Маъмур биродаримизни кўрдим-у шундан сўнгина Америка тупроғига қадам қўйганимга ишонч ҳосил қилдим.

**НЬЮ-ЙОРК**

Аллоҳнинг марҳамати ила эсон-омон Америкага ҳам етиб келиб, жаҳоннинг энг катта қўналғаси — Кеннеди аэропортига қўндик. Ҳар дақиқада биттадан ҳаво кемаси кўтарилиб-қўниб турган мазкур қўналғани ҳақли равишда Америка дарвозаси дейиш мумкин. Қўнаётган ҳар бир ҳаво кемаси асосий бинога яқинлашганда тезликни кескин камайтириб, оҳиста ғилдираб келиб, белгиланган чизиққа келиб тўхтаб, моторларини ўчириши биланоқ, кемани бино билан туташтирувчи мослама бир дақиқа ичида уланади, бошқа баъзи қўналғалардаги сингари, ғилдиракли зинапоянинг келтиришларини кутиб ўтирилмасдан кема бекасининг табассум ила қилган таклифи билан, кемадан тўғри бинога кириб бораверади: бир вақтнинг ўзида юзлаб кеманинг йўловчилари белгиланган йўлка орқали, бир-бирларига халақит бермасдан бинога кириб борадилар. Орадан беш дақиқа ўтар-ўтмас, биз (оилам иккаламиз) ҳам эл қатори юк бўлимидан жомадонларимизни олиб, божхона бўлимига ўтдик. Божхонадан ташқарига икки йўлак — бирида кўк, иккинчисида қизил чироқ ёниб турган назорат йўлаклари орқали ўтилади. Ҳар ким ўзига ишонса, юки ичида ёки ёнида шубҳали бирор нарсаси бўлмаса, бамайлихотир кўк чироқли йўлакка, ўзида шубҳа сезса, қизил чироқли йўлакка юрилади. Бизга бу тартиб-қоидаларни ҳаво кемасидаёқ тушунтириб беришган эди, шу туфайли тараддудланмасдан кўк чироқли йўлакдан ўтдик-да, Америка Қўшма Штатлари давлати ҳудудига қадам қўйдик.

Бизни Абдулла Маъмур бошлиқ бир қанча ватандошларимиз қучоқ очиб кутиб олдилар. Улар билан кўришиб, соғ-омонлик сўрашиб бўлганимиздан сўнг, қўлимда ҳамон бир нарса турганлигини сезиб қолдим. Қарасам, бу — жомадонни ташқарига олиб чиқаётганда божгирга бериб қўйиладиган ёрлиқ — чўпхат экан. Ваҳоланки, биз қўналға биносидан чиқиб, бир неча метр одимлаб бўлган эдик. Лекин биздан ҳеч ким чўпхатни сўрамади ҳам. Шу боисдан Абдулла Маъмурнинг ўғиллари Ибройимжонга ўз хижолатлигимни баён этдим. У киши менга қараб енгил табассум билан деди: «Хижолат бўлмасинлар ака, неча минг одам чиқиб келаётган бўлса, ҳеч кимни текшириб, чўпхатини олиб қолганлари йўқ. Иш шу даражада йўлга қўйилиб, имкони борича қулайлик туғдириш, инсоний қадриятларни камситмасликка мосланганки, агар ҳар ким ўз жомадонини ўз чўпхати билан олиб чиқса, оқ йўл, компьютер тизими у кишини ўтказиб юборади. Агар киши бировнинг жомадонини олиб чиқса-ю, чўпхати бўлмаса, махсус чироқ ёниб, ҳалиги кишининг қилмишини маълум қилади».

Мезбонлар бизни машиналарига таклиф қилдилар. Оилам иккаламизни шахсан Абдулла Маъмур ўзлари бошқарадиган катта, ҳашаматли, гўзал қора лимузинга ўтқаздилар. У кишининг оилалари ҳам ушбу лимузинга ўтирдилар ва барча машиналар лимузин сарбонлигида Кеннеди қўналғасидан шаҳар томон йўлга тушдик. Лимузинга ўтирганимиз ҳамон Абдулла ака қўлимизга иссиқ кўк чой тутдилар. Йўл асноси ватандошларга Ўзбекистонлик ёрбиродарларнинг саломларини топширдик. Абдулла ака телефон қилиб, ўғиллари Ибройимжоннинг машинаси билан боғландилар-да: «Ўғлим, майли, сиз бироз илгарироқ бориб, меҳмонларни олиб келаётганлигимизни хонадондагиларга маълум қилинг, унча-бунча гапларни телефонда гаплашиб кетаверамиз», дея изн бердилар-да, гўшакни менга тутқаздилар. Мен бир неча чақирим масофагача Ибрайимжон билан суҳбатлашиб кетдим. Ибройимжон Абдулла аканинг энг катта фарзандлари бўлиб, йирик бир компьютер фирмасини бошқариб турар эканлар. Абдулла Маъмурнинг Америка заминида туғилиб ўсган ўғилларининг соф ўзбек тилида сўзлашишлари мени лол қолдирар эди.

Гўшакни жойига қўяр эканман, машина соҳибидан сўрадим: «Абдуллажон ака, бу машиналардаги телефонлар машиналараро алоқа воситасими?». Етмишни қоралаб қолган Абдулла ака олти қаторли шоҳ йўлда машинани ажиб бир маҳорат билан бошқариб борар эканлар, менинг уларнинг назарида содда-дўлвор саволимга мийиғида кулиб қўйдилар-да, «Тошкентдаги қудангиз Илҳомжон ҳам соғ-саломатмилар?» дея сўраб қолдилар. Саволимга бутунлай бошқа мазмундаги савол билан жавоб қайтарганларига хайрон бўлиб, «Ҳа, худога шукр, соғ-саломатлар, Сизга кўпдан кўп салом айтдилар», дея жавоб айтишим биланоқ «Телефон рақамлари қандай?» дея қайта савол бердилар-да, оғзимдан чиқиши ҳамоно рақамларни териб, биринчи дафъадаёқ Тошкент билан алоқа ўрнатдилар ва гўшакни менга бердилар. Мен, «Ё бафармони худо» дея истиғфор айтиб қудам билан сўзлашдим ва эсон-омон Америка тупроғига қадам қўйиб, ватандошлар билан дийдорлашганлигимизни баён этдим. Шундан сўнг ўзимнинг дўлвор саволларимдан ҳам уялиб қолдим. Аллоҳнинг яратган бундай мўъжизасидан ҳайратланиб ўтирганимда, лип этиб яна бир қизил чироқ ёниб, қандайдир ускуна тагидан бир парча қоғозга ёзилган араб имлосидаги битик пайдо бўлди. Тушунтириб, беришларича, бу — телефакс аппаратининг биз кўриб улгурмаган янги нусхаси орқали олинган хабар экан. Абдулла ака кўзларини йўлдан узмаган ҳолда қоғозга назар солдилар-да, ҳеч қандай маҳфийлиги йўқ дегандай, менга узатдилар ва матнини тушунтириб бердилар.

Маълум бўлишича, ушбу хабар Покистонлик қудаларидан бўлиб, у киши ўзларининг эртага Нью-Йоркда бўлишларини билдирган эканлар. Бу мўъжизаларни кўрар эканман, ўзимни «Минг бир кеча» оламида ҳис этар эдим. Йўқ, минг бир кеча қаҳрамонлари — сеҳргарлар, жинлар ва парилар ҳам бундай мўъжизалар олдида лол қолган бўлур эдилар.

Нью-Йорк шаҳрига кириб борар эканмиз, бу улкан шаҳар ҳақида билган-ўқиганларимни ёдимга ола бошладим. Нью-Йоркдек азим шаҳар АҚШга пойтахт бўла олмаса-да, жаҳон сармоядорлиги, тадбиркорлиги пойтахтига айланди. Бир мамлакатга пойтахт бўлолмаса-да, жаҳон пойтахти бўлишдек бахт унга насиб этди, илло, Бирлашган Миллатлар Ташкилотининг бош қароргоҳи учун мазкур шаҳар муносиб кўрилди.

Дунёдаги энг муҳташам, энг кўпқаватли бу шаҳар ўрни бир неча асрлар муқаддам дарёнинг океанга қуйилиши жойидаги хилват ўрмонзор бўлганлигини тасаввур ҳам қилолмайсиз. Ҳаммасини бир қароқчи бошлаб берди. Франция хизматида бўлган флоренциялик Жованни Веррацано давлат хизматидан зерикиб, Америкадан олтин юклаб келаётган испан кемаларини талаб, бойлик орттиришни, эркин яшашни орзу қилиб қолади. Одатда, энг зўр кашфиётчилар — денгиз қароқчиларидир. Улар кўп ҳолларда одам оёғи тегмаган, ёки оврупаликлар билмаган ерлар ва оролларга биринчи бўлиб қадам қўядилар. Шу тариқа, қароқчи бўлиб олган Жованни ҳам ҳозирги Нью-Йорк ўрнига биринчи бор қадам қўйган эди. У ўз кашфиётини сир сақлаб юриб, эълон қилишга улгурмай, испан ҳукумати томонидан ҳибсга олинади ва одат бўйича, кема устунига осишга ҳукм этилади.

Роппа роса бир аср ва икки йил ўтгач, бу ерга Ҳолландия «Ост-Инд» ширкатининг кемаси дарёнинг океанга қуйилиш жойига етиб келади. Кема дарғаси Ҳенри Ҳудзон бу дарёни бошқа океанга чиқадиган бўғоз деб ўйлаб, унга ўз номини беради. Кўп ўтмай, тадқиқотлар натижасида бу улкан сув йўли дарё эканлиги исботланади. Шу тариқа бу ерларни ҳолландлар қайта кашф этадилар. Ўшанда бу ердаги ўрмонли оролларда Американинг машҳур ирокез қабиласи истиқомат қилар эдилар. Очкўз дарға Ҳудзон бу ердаги энг катта оролни сотиб олиш учун ирокезлар билан савдолашади. Охири умумий қиймати олтмиш гульден бўлган чақа пул, турли мунчоқлар, кўзгулар ва бошқа майда чуйдалар эвазига ҳозирги Нью-Йорк ўзаги бўлган энг катта оролни сотиб олишга муваффақ бўлади. Савдо пишиб, бор-барака қилингандан сўнггина ҳиндулар ўзларининг алданганликларини сезиб қоладилар. Ҳенри Ҳудзон бир неча кундан сўнг мазкур оролнинг номини сўраганда, ирокезлар доҳийси «Манхеттен» дея жавоб беради.

(Давоми бор).

# УЧ БИЛЕТГА БИР ЮТУҚ

**Ўзбекистон Республикаси жисмоний тарбия ва спорт қўмитасининг фаолиятида янги иқтисодий муносабатларнинг нишоналари пайдо бўлди. Бу — давр талабидир: ҳозир жисмоний тарбия ва спорт каби муҳим ижтимоий соҳани фақат давлат бюджети ҳисобига юксалтириб бўлмайди. Тармоқни янада юксак поғонага олиб чиқиш учун қўшимча маблағ зарур бўлади. Шу мақсад йўлида нималар қилингани ва қандай ишлар амалга оширилаётгани ҳақида Давлат спорт қўмитасининг маслаҳатчи-мутахассиси, иқтисод фанлари номзоди Қаҳрамон АБДУҲАКИМОВ сўзлайди.**

— Яқинда қўмитада етакчи мутахассислар бошчилик қиладиган гуруҳ тузилди. Шу гуруҳ мазкур муаммоларни ҳал этишда мувофиқлаштирувчи марказга айланди. Тармоқни хорижий сармояларни жалб этиш йўли билан давлат ва тижорат тузилмалари жисмоний тарбия ва спортни қўллаб-қувватлашни кўзда тутадиган ижтимоий йўналишидаги бозор иқтисодиётига ўтказишнинг миллий дастури ишлаб чиқилди. Ўзбекистон Республикаси Президенти И. Каримовнинг «Иқтисодий ислоҳотларни янада чуқурлаштириш, хусусий мулкни ҳимоя қилишни таъминлаш ва ишбилармонликни ривожлантириш чора-тадбирлари тўғрисида» чиқарган Фармони янги дастурни амалга ошириш учун ишончли асос бўлди.

Қўмитага қарашли спорт иншоотларини, корхоналарни аста-секин акциялаш ва хусусийлаштириш жадвали тузилди ҳамда амалга оширила бошланди. Ҳозирги вақтда Давлат спорт қўмитаси тасарруфида республиканинг турли вилоятларидаги жуда кўп катта иншоотлар бор.

Лекин ҳозирги пайтда бу базаларнинг кўпи тубдан таъмирлашга, янгилаш ва тиклашга, одамларга хизмат қилишнинг қўшимча тармоқларини барпо этишга муҳтож. Стадионлар, сув ҳавзалари, заллар, спорт майдонларини тартибга солиш учун «дастлабки сармоя» зарур бўлади. Бизнинг ҳисобларимизга қараганда шундай сармояни бир зумлик лотерея ўтказиш йўли билан топиш мумкин. Уни ўтказиш учун бизда ҳозир ҳамма нарса тайёр.

Франция — Швейцариянинг «Вул ҳолдинг компани» фирмаси бу тадбирни амалга оширишда ўз хизматини таклиф қилди. Фирмада паспортлар, банк ва лотерея билетлари, чек дафтарчалари ва бошқа матбаа маҳсулотлари тайёрлашнинг пухта тизими мавжуд. Фирманинг обрўси ҳам баланд — Европа, Осиё ва Лотин Америкасидаги кўпгина мамлакатлардан ташкилотлар шу фирмага буюртма берган.

Париждан келтириладиган лотерея билетларида спортнинг ўн икки тури акс эттирилган. Энг катта ютуқ 20 миллион сўм-купонни ташкил этади. Лотерея билетларини ҳимоя қилишнинг бешта босқичи мавжуд, яъни сохта лотереялар ясалишидан ишончли муҳофаза қилинган. Мутахассисларнинг фикрича, ҳар уч билетдан бирига ютуқ чиқади. Лотерея билетларини сотишдан тушадиган пулнинг 50 фоизи ютуқлар фондини ташкил қилади. Бир зумлик лотереяни ўтказишдан бир миллиард сўм-купон атрофида фойда олишни кутмоқдамиз. Бу пул аввало, оммавий жисмоний тарбия ва спортни ривожлантиришга, шунингдек, тармоқни ижтимоий йўналишдаги бозор иқтисодиётига ўтказиш дастурида кўзда тутилган тадбирларни пул билан таъминлашга сарфланади.

Ўзбекистонда «Лотто миллион» тусидаги компьютер спорт лотереяларини йўлга қўядиган қўшма корхона барпо этиш тўғрисида Грециянинг «Интралот» фирмаси билан муддаолар протоколи имзолаганмиз.

Янги технологияларни, хорижий сармояларни жалб этиш асосида Қўқондаги радионавигация асбоблари заводида «Ўзспортддс» Ўзбекистон —Германия қўшма корхонаси барпо этилади. Бу корхона спорт ва сайёҳлик маҳсулотлари, яъни калава ип, трикотаж, спорт кийимлари ва пойабзали, спорт асбоблари ва ускуналари ишлаб чиқаради. Бунинг учун бир қанча бинолар ажратилди, лекин уларни қуриб битказиш учун анча маблағ талаб қилинади.

Ўзбекистон пойтахтида меҳмонхона комплекси қурадиган қўшма корхона барпо этиш тўғрисида давлат спорт қўмитаси билан Франциянинг машҳур «Буиг» фирмаси ўртасида шартнома тузилди. Франция мутахассислари тайёрлаган техника ҳужжатларини олдик. «Люкс» тоифасидаги меҳмонхона 155 хонадан, бизнес маркази, мажлислар зали, соғломлаштириш комплекси, сув ҳавзаси ва казинодан иборат бўлади. Бу бино Фурқат шоҳ кўчасида Халқлар Дўстлиги майдони билан Хадра майдони ўртасида қурилади.

Самарқанддаги спорт кемасозлиги заводида ишлаб чиқаришни йўлга қўйиш ва кенгайтириш, унинг яхта, байдарка, каноэ каби ва бошқа маҳсулотларини жаҳон бозорига чиқариш юзасидан муҳим чора-тадбирлар кўрилмоқда.

**Т. ГОЛУБКИНА,**
**УзА мухбири.**

## Келгуси сонда:

● АМЕРИКАНИ КИМ ОЧГАН.
● ЯРАТГАННИНГ ЎЗИ ШУ ҚУЙГА СОЛГАН



Америкада ватандошларимиз тиклаган мачит.

## Газета саҳифаланаётганда:

**НИЯТ АМАЛГА ОШМАДИ**

М. Сапаевнинг ўз касбига «меҳри» шу қадар баландки, ишдан уйига қайтиб келгандан кейин ҳам ўша иши билан машғул бўлишни яхши кўради. Қорақалпоғистон Республикаси Элликқалъа тумани матлубот жамиятига қарашли дўконлардан бирининг «эгасиман» деб юрган бу киши уйида ҳам кичикроқ «дежурний» дўконча» очиб олди. У «Армуғон» виносининг ҳар бир шишасини ҳамқишлоқларига 5 мингдан «армуғон» қила бошлади.

Давлат дўконида атиги 408 минг сўмга сотилиши лозим бўлган винони уйидаги навбатчи «дўконча»да сотса, бу «ишбилармон» 2,5 миллион сўм фойда кўрар эди. Аммо у ўз ниятига ета олмади. Ички ишлар бўлими ходимлари ишнинг белига тепишди.

Энди у ўз «иши» учун жавоб беради. Иш юзасидан суриштирув ишлари олиб борилмоқда.

## ОДАМИЙЛИК ЁРДАМИ

Германия ва Швейцариядан инсонпарварлик ёрдами сифатида юборилган юклар экология жиҳатидан ноқулай вазият вужудга келган Оролбўйи аҳолисига жўнатилди.. Бу юклар орасида тақчил дори-дармонлар, бир марта ишлатиладиган шприцлар, яраларни боғлаш материаллари, тиббий асбоблар бор. Германия ва Швейцария Қизил хоч жамиятлари шу хайрия тадбирининг ташаббускори бўлди. Улар Бухоро ва Хоразм вилоятлари шифокорларига бир миллион немис маркаси ва Швейцария франкини совға қилдилар.

Шу халқаро ташкилотларнинг вакиллари касаллик кўп тарқалган минтақаларда бўлдилар. Бу жойларда соғлиқни сақлаш соҳасида вужудга келган вазият билан танишдилар, Оролбўйи аҳолисига ёрдам бериш истагини айтдилар. Уларнинг республикамизга келишдан мақсади шифохоналарнинг дори-дармонлар ва тиббий асбобларга эҳтиёжини ўрганишдан иборат эди. Бунинг натижасида Бухорога ва Урганчга инсонпарварлик юклари ортилган автопоезд жўнатилди.

## АКБАРШОҲ—ЧАВГОН УСТАСИ

Янги Деҳлида инглиз тилида нашр этиладиган «Ойина» журнали «Акбаршоҳ ҳам хоккей ўйнаган» сарлавҳаси остида қизиқ бир мақола эълон қилди. Акбаршоҳнинг замондоши, тарихчи Абул Фозилнинг ёзишича, Бобурийзода чавгон ўйинига жуда ишқибоз бўлган. Акбаршоҳнинг чавгонга иштиёқмандлигини тўптаёқнинг тутқичларини олтин ва кумушдан ясаттирганидан ҳам билса бўлади.

1566 йилда Акбаршоҳ Жайпурдан Аграга қайтиб келгач ҳам чавгон ўйинини тарк этмаган. У тез-тез шикорга чиқадиган Агра яқинидаги Нагаргин деган жойда чавгон учун махсус майдон ҳозирлатган ва у ерда ўз чавандозлари билан мусобақалар ўтказган.

От устида ўйналадиган бу мусобақа Шарқ мамлакатларида қадимдан кенг тарқалган бўлса-да, айнан Акбаршоҳ даврида қайта шаклланган, унинг тартиб-қоидалари белгиланган. Жумладан, бу вақтга келиб, мусобақалашаётган томонлар майдонга фақат ўнтадан сараланган чавандозни туширган ва ўйиннинг йигирманчи дақиқасида ҳар икки томон икки нафардан толиққан ўйинчини алмаштириши мумкин бўлган.

Ҳиндистонда миллий ўйин турларидан бирига айланган «Чанган», яъни чим устида тўп суриш ҳам чавгоннинг пиёда ўйналадиган бир туридир ва у ҳиндларнинг энг севимли ўйинларидан ҳисобланади.

Яқинда Ўзбекистон ва Қозоғистон терма командалари Янги Деҳлининг яшил майдонларида тўп суришиб, совринли ўринларни эгаллашди.

**Ўктам МИРЗАЕРОВ,**
**УзА мухбири.**

Туркистон бир, ватан бир

ТУРКИСТОН ТИЖОРАТ МАРКАЗИ

**ХОНИМЛАР ВА ЖАНОБЛАР!**

Ўзбекистон Республикаси Маданият жамғармаси «Саёҳат» бўлими Сизни серқуёш диёримизнинг сўлим масканларига, қадим шаҳар ва зиёратгоҳларига ҳамда бир қанча хорижий мамлакатларга **(Туркия, Покистон, Хитой, Ҳиндистон, Эрон, Малайзия, Сингапур, Сурия, Саудия Арабистони, АҚШ, Германия, Франция, Англия, Италия, Греция, Болгария, Кипр, Исроил)**

**САЁҲАТГА ТАКЛИФ ЭТАДИ**

«Саёҳат» сизнинг кўнгилдагидек ҳордиқ чиқариб, муваффақиятли тижорат қилишингиз учун барча шарт-шароитни яратиб беради.

«Саёҳат» ҳужжатларни (паспорт, визаларни) расмийлаштиришни ўз зиммасига олади.

«Саёҳат» бўлимининг хизматлари арзон, қулай, тез ва тижоратингиз учун кони фойдадир.

**МАНЗИЛИМИЗ: Тошкент шаҳри, Маяковский кўчаси, 6-уй, Боғи Эрам (бурунги Тельман парки) рўпарасида.**

**Телефонлар: 67-77-41, 67-32-71**

## РАНГ-БАРАНГ ОЛАМ

**ОЗИШ БЎЙИЧА ЧЕМПИОНЛАР**

Газетамизнинг ўтган сонларидан бирида, дунё бўйича энг оғир инсон Жон Бровер Миннок ҳақида ёзган эдик. Ул зот нафақат семизликда рекордчи, балки озишда ҳам чемпионлик даражасига эришган. 1978 йилда у 635 кило эди, сўнг доимий парҳезга ўтган ва 1979 йил июлигача 216 килога озган, қисқаси икки йилда 419 килолик этидан айрилган, бу деган сўз ҳафтада тўрт килодан озишдир.

Айниқса, Нью-Йорклик Майкл Хебранко (1953) озишда ажойиб рекорд ўрнатган. 1987 йилда унинг оғирлиги 410,5 килони ташкил этарди. Қаттиқ парҳезда бўлганлиги туфайли у 15 ойда 226,8 килога ориқлаган, 1989 йил июнига келиб Майкл атиги 98,4 кг. ли тош босган, холос. Демак икки йилда 312 килолик этидан воз кечган. Унинг бел айланаси 292,1 см. эди. Энди эса 92 см.га тушиб қолган, Фарқ 200,1 сантиметр.

Питцбурглик (АҚШ, Пенсилвания штати) Пол Кимелман — 1943 йилда туғилган, 216 кг эди. 215 кунда, яъни 1967 йили 1 январдан 3 августгача 59 килога тушиб қолган.

Роули Макентайр — Шарқий Ирландиянинг Кеша деган жойидан, 1957 йилда туғилган. 262 килодан, 84,8 килогача озган. Яъни 178 кило эт ташлаган. Бу натижа 22 ойда қўлга киритилган.

Ром Аллен — Теннисси штатининг (АҚШ) Нашвилле шаҳридан, 1947 йилда туғилган, оғирлиги 113,4 кило эди, 1984 йил августда, аниқроғи, бир кеча-кундузда 9,7 килога озиб, рекорд ўрнатган.

Бош муҳаррир Ғаффор ҲОТАМОВ.

Таҳрир ҳайъати: Одил ЁҚУБОВ, Баҳодир ЖАЛОЛОВ, Ҳалима ХУДОЙБЕРДИЕВА, Абдуқодир ЭРГАШЕВ, Алишер ТЕШАБОЕВ, Муқаддас АБДУСАМАТОВА, Муҳаммад АМИН, Аҳрор АҲМЕДОВ, Рустам БОЙМУҲАММАД, Зайниддин МАМАДАЛИЕВ—Бош муҳаррир ўринбосари, Карим РАҲИМ, Сирожиддин РАУФ, Зайниддин РИХСИЕВ — масъул котиб, Ислом ҲАМРО.

Таъсис этувчи:
ЎЗБЕКИСТОН ЁШЛАР ИТТИФОҚИ МАРКАЗИЙ ҚЎМИТАСИ
газета 1925 йил 8 февралдан "Ёш ленинчи" номи билан чиқа бошлаган.

ТАҲРИРИЯТ:
хатлар ва оммавий ишлар – 32-54-65; ёшлар сиёсати ҳамда фан ва халқ таълими – 32-57-93; ижодкор ёшлар – 32-57-52; иқтисод, қишлоқ ёшлари, спорт ва ватанпарварлик – 32-55-81; ахборот ва бадиий безаш – 32-53-98; тижорат – 32-58-48; қабулхона – 32-56-58.

МАНЗИЛИМИЗ: 700083, Тошкент, Матбуотчилар кўчаси, 32-уй.
Нашр кўрсаткичи: 64607

Газетамиз ҳафтанинг чоршанба ва шанба кунлари чиқади.
Қўлёзмалар ҳамда суратлар муаллифларга қайтарилмайди ва таҳлил этилмайди.

Рўйхатдан ўтиш тартиби № 00012. Буюртма Г—799 41426. нусхада босилди, ҳажми — 2 босма табоқ. Офсет усулида босилган, қоғоз бичими А-2. Босишга топшириш вақти — 21.00. Босишга топширилди 23.10.
«Шарқ» нашриёт-матбаа концерни босмахонаси. Корхона манзили: «Буюк Турон» кўчаси, 41-уй. Индекс: 64672. 1 2 3 4 5 6